

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА КЎЧМАС МУЛКНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ

Уринбоев Ғуломжон Собиржонович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Солиқ ва солиққа тортиш” кафедраси
катта ўқитувчиси

Email: urinboev1983@gmail.com

ARTICLE INFO.

Abstract:

Keywords: маҳаллий бюджет, кўчмас мулк, мулкнинг бозор қиймати, кадастр қиймати, солиқ элементлари, инвентарь қиймат

Ушбу мақолада маҳаллий бюджетни шакллантиришда кўчмас мулкни солиққа тортиш жаҳон тажрибаси ёритилиб, кўчмас мулкларнинг иқтисодий аҳамияти, солиқ солиш базасини белгилашдаги муҳим ўринга эга эканлиги таҳлилий асосланиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2024 LWAB.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлигини “2025 — 2027 йилларга мўлжалланган Бюджетномада, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари баланслаштирилган даромадлар ва харажатларга эга бўлиши лозимлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг тақчиллигига йўл қўйилмаслиги белгиланган. [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» [2] Фармони, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижалари, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва халқаро экспертларнинг тавсияларидан келиб чиқиб:

2023–2025 йилларга мўлжалланган Фискал сиёсатнинг асосий йўналишларида Кўчмас мулк объектларини (бинолар, иншоотлар ва ер участкалари) бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қийматдан мол-мулк ва ер солиғини ҳисоблаш механизми босқичма-босқич жорий этиш ҳамда келажакда кўчмас мулкни солиққа солишни такомиллаштириш орқали мол-мулк солиғи ва ер солиғи ўрнига кўчмас мулк солиғини жорий этиш белгилаб қўйилди.

Кўчмас мулкни тасарруф этиш ва ундан оқилона фойдаланиш кўчмас мулкларнинг иқтисодий аҳамиятини белгилаб беради.

Маҳаллий бюджет даромадлари базасини ташкил этишда кўчмас мулкларнинг иқтисодий аҳамияти юқори бўлиб, даромад манбаидан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат Маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг маъмуриятчилиги механизмларининг самарасизлиги оқибатида уларнинг йиғилувчанлик даражаси етарли эмаслиги бу соҳада тегишли чора-тадбирларини амалга ошириш, бунда илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш

ҳамда кенг қўллаш орқали ушбу масалага тизимли ёндашиш кераклигини тақозо этади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Мулкий солиқлар давлат бюджетини шакллантиришда ўз ўрнига эга. Ер ва мол-мулкни солиққа тортиш тизими азалдан мавжуд бўлиб иқтисодий соҳа олимлари уни солиққа тортиш бўйича турли хил қарашларини ифода этиб келганлар. Қуйида келтирилган жадвалда иқтисодий олимларнинг бу борадаги фикрлари жадвал шаклига келтирилган:

Бюджет даромадлари моҳияти ва унинг хусусиятлари иқтисодчи олимлар томонидан турлича талқин қилинган.

Иқтисодчи Г.Қосимова таъкидлаганидек, “маҳаллий бюджетлар Республика бюджетидида муҳим таркибий қисми ташкил этади ва маҳаллий ҳокимиятларнинг фаолият юритишларида молиявий асос бўлиб ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар фаолияти маҳаллий талаб-эҳтиёжларини тўлароқ кондиришни ҳамда давлатнинг марказлашган тартибда амалга оширадиган тадбирларининг бажарилиши билан узвий боғлиқ ҳолда ижро этишга имкон яратиб беради. Маҳаллий бюджетлар минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишда асосий манба ва маҳаллий бошқарув органлари фаолиятининг иқтисодий асоси бўлганлиги туфайли бюджетга қўшимча маблағлар жалб этиш манбаларини излаб топиш ва мавжуд маблағларни самарали сарфланишини таъминлаш орқали бюджет сиёсати самарадорлигини таъминлайдиган асосий омил бўлиб хизмат қилади. Маҳаллий бюджетлар фаолияти барқарорлигини таъминловчи омил – улар даромад базасини мустаҳкамлаш ҳисобланади [3]”.

Профессорлар М.В.Романовский, О.В.Врублевская ва Б.М.Сабантилар бюджет даромадларининг моҳиятини ифодаловчи қуйидаги таърифни берганлар: “бюджет даромадлари давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ихтиёрига келиб тушадиган мамлакатда амал қиладиган бюджет ва солиқ қонунчилигига мувофиқ равишда тикланмайдиган ва қайтарилмайдиган тарздаги пул маблағларидир [3]”.

Профессор С.Г.Пепеляев маҳаллий бюджетларнинг даромадлари қонуний, етарли даражада ва зарур миқдорларда белгиланган молиявий ресурслар билан таъминланган, маҳаллий ҳокимиятларнинг молиявий тизими доимий ва барқарор бўлиши, ҳудудлар мустақил белгиланган даромадларига, яъни маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳисобига шаклланиши кераклигини айтиб ўтади. Бюджет даромадлари тизимининг тамойилларига кўра, маҳаллий бюджет даромадлари етарли, барқарор ва мустақил бўлиши кераклигини эътироф этган [4].

Михина Е.В. ўзининг қарашларида кўчмас мулк солиғини жорий қилишнинг маҳаллий бюджет даромадлари базасига таъсирини таҳлил қилиб тегишли тавсияларни берган [5].

Олим И.Ниязметов томонидан солиққа солиш механизмларини ривожлантириш йўли билан солиққа тортиш тизими бир маромда фаолият юритишини таъминлаш муаммоларига бағишланган илмий ишида қуйидаги хулосалар шакллантирилган[6]:

- солиқ тизимидаги бўшлиқлардан яна бири мулкий солиқларга тўғри келади. Халқаро амалиётда мулкий солиқлар маҳаллий бюджетлар даромадларида муҳим роль ўйнасада, Ўзбекистонда бундай солиқларнинг фискал аҳамияти жуда паст. Бу солиқларнинг маъмурчилиги ҳам жуда самарасиз. Айниқса, мол-мулк солиғи механизмнинг юридик ва жисмоний шахслар учун кескин фарқланиши ушбу солиқни самарасиз қилиб келди;

-мулкни солиққа тортиш механизмни такомиллаштириш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар учун бирдек қўлланиладиган кўчмас мулк солиғини жорий этиш, бунда мулк қийматини


бозор механизмлари асосида аниқлаш, кўчмас мулк солиғи механизмининг қайишқоқлиги ва вертикал ижтимоий адолатни таъминлаш учун ушбу солиқнинг прогрессив ставкаларини жорий этиш ҳамда «солиққа тортилмайдиган қиймат» миқдорини белгилаш зарурлиги таъкидланган.

Фикримизча кўчмас мулк солиғини жорий этиш негизида давлат ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ер ва мулк ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳолининг мулкка бўлган ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш даражаси ётади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ресурс ҳамда мулкни солиққа тортиш тизимини бозор иқтисодиёти талаблари асосида шакллантириш зарурдир.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Давлатнинг солиқ сиёсатини тўғри белгилаши кўчмас мулкдан оқилона фойдаланишни таъминлайди.



Кўчмас мулкни солиққа тортишдан мақсад¹

Бугунги кунда кўчмас мулкка солиқ солиш дунёнинг 100 дан зиёд мамлакатларига амал қилади. Баъзи мамлакатларга мулкка нисбатан солиқ мавжуд эмас. Жумладан Эстонияда кўчмас мулк солиққа тортилмайди. Словакия ва Швеция ҳам шулар қаторида. Ҳар бир давлатда мулк солиғининг ўзига хос тизим мавжуд.

Германия Федератив Республикасида мулк солиғи ундириладиган объектлар жумласига ер, уй-жой, бинолар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ерлари киради. Одатда солиқ мулк эгалари томонидан тўланади. Ижарага олинган тақдирда, мулк солиғи амалдаги фуқаролик қонунчилигига мувофиқ ижарачиларга ўтказилиши мумкин.

Мулк солиғи бўйича олинган даромадлар фақат шаҳарлар ва муниципалитетларга яъни маҳаллий бюджетга тушади. Ҳозирда бу йилига 15 миллиард евродан ошади. Бу мулк солиғини муниципалитетлар учун энг муҳим даромад манбаларидан бирига айлантиради. Муниципалитетларга мактаблар, болалар боғчалари, сузиш ҳавзалари ёки кутубхоналарни молиялаштириш ва йўллар, велосипед йўллари ёки кўприклар каби маҳаллий инфратузилмага муҳим инвестициялар киритиш учун ушбу маблағлар зарур ҳисобланади.

Ҳозирда Германия Федератив Республикасида мулк солиқлар ислоҳ қилинмоқда бунга сабаб Федерал Конституциявий суд 2018 йилда мол-мулк солиғини баҳолашнинг амалдаги

¹ Муаллиф томонидан мустақил ўрганишлари асосида шакллантирилган.

тизимини конституцияга зид деб эълон қилганлиги, чунки солиқ бўйича асосий қонунда мустақамланган тенг муомала талабини бузилганлиги ҳамда ўхшаш мулкларга бошқача муносабатда бўлинганлиги билан изоҳланади. 2025-йил 1-январдан бошлаб янги қонун асосида мол-мулк солиғи ундирилиши бошланади.

Мол-мулк солиғининг олдинги ҳисоб-китоби ўнлаб йиллик мулк қийматларига (стандарт қийматлар деб аталади) асосланган эди. Ғарбда мулклар 1964 йилдаги қийматига қараб ҳисобга олинади. Шарқий Германия штатларида қўлланилган қийматлар бундан ҳам эскироқ бўлиб, улар 1935 йилдаги қийматларга асосланади. Ушбу стандарт қийматлар солиқ кўрсаткичи деб аталадиган ягона коэффициентга кўпайтирилади, кейин эса - баҳолаш даражаси деб аталади. Солиқ ставкаси бутун мамлакат бўйлаб эски қонунга мувофиқ ўрнатилган бўлса-да, ҳисоблаш ставкаси ва натижада мол-мулк солиғи миқдори муниципалитетлар томонидан белгиланади.

1935 ва 1964 йилдан бери ер ва биноларнинг қийматлари Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам жуда бошқача ривожланганлиги сабабли, ҳозирги вақтда Федерал Конституциявий суднинг фикрига кўра, асосий қонунга мос келмайдиган тенгсиз солиқ режими мавжуд. Натижада, стандарт баҳолаш объектларнинг ҳақиқий қийматларидан ажралиб чиқди. Бу шуни англатадики, ҳозирги вақтда кўшни жойларда таққосланадиган мулклар учун сезиларли даражада фарқ қиладиган мулк солиғи тўловлари тўланиши мумкин.

Мулк солиғи ислоҳоти нафақат турар-жой мулкига, балки тижорат мулкига ҳам таъсир қилади. Турар-жой мулкларидан фарқли ўлароқ, баҳолаш учун ишлатилиши мумкин бўлган ижарага олинган тижорат объектлари бўйича статистик маълумотлар йиғилмайди. Шунинг учун, бу ерда мол-мулк солиғи соддалаштирилган моддий қиймат усулига асосланади, бу тегишли турдаги бино учун одатий ишлаб чиқариш харажатлари ва баҳолаш учун стандарт ер қийматига асосланган. Бу ерда ҳам мол-мулк солиғи анча соддалаштирилди ва илгари талаб қилинадиган кўплаб маълумотлар йўқ қилинди: масалан, бинонинг баландлиги, иситиш тури, деразалардаги ойналар тури ёки очиқ каминлар сони.

Жаҳон амалиётида кўчмас мулк учун солиқ ер ва унинг устида қурилган бино, яшаш ёки тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун мўлжалланган иншоотлар учун ундирилади.

Мамлакатимизда ҳозирда ислоҳ қилинаётган мол-мулкни солиққа тортиш тизими учун ривожланган мамлакатларнинг солиқ ундириш механизмларини ўрганиб чиқиб унинг мамлакатимиз иқтисодиётига, аҳоли минталитетидан келиб чиқиб қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Қуйида келтирилган жадвалда хорижий мамлакатларда мол-мулк солиғини ундиришда айрим элементлар кўрсатиб ўтилган:

1-жадвал

Дунё мамлакатларида мол-мулк солиғини ундиришдаги айрим элементлар²

№	Дунё мамлакатлари	Солиқ объекти	Солиқ ставкаси	Имтиёзлар
---	-------------------	---------------	----------------	-----------

² Маллиф томонидан мустақил ўрганишлар асосида шакллантирилган.

1	Канада	Ер ва мулкнинг бирлашган ҳолдаги бозор қийматидан.	1-2% кўчмас мулкнинг қийматидан.	Қуйидаги жисмоний шахслар солиқдан озод этилади: - пенсионерлар; - кам таъминланганлар; - пенсионер ота-онасини таъминлайдиган оилалар; - пуллик тиббий хизматдан фойдаланувчилар; - дори воситаларини ўзларини ҳисобларидан харид қиладиган фуқаролар
2	Франция	Мулкнинг бозор қийматидан. Кўчмас мулкда яшаганлик учун солиқ, кўчмас мулк солиғи	0,5-1,5% мулкнинг бозор қийматидан.	Қуйида келтирилганлар солиқ тўловчи ҳисобланмайди: - давлат ёки маҳаллий ҳокимият органларига тегишли бўлган бино ва иншоотлар; - бошқа давлатга тегишли бўлган бинолар (элчихоналар); - давлат ташкилотлари бинолари (университетлар, госпиталлар ва бошқалар); - диний ташкилотлар бинолари; - қишлоқ хўжалиги фаолиятини олиб бориш учун фойдаланиладиган қурилмалар

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики ҳар бир мамлакатларда кўчмас мулкни солиққа тортишда ўзига хос хусусиятлар мавжуд.

Сўнги йилларда солиқ тизимини ислоҳ қилиш мақсадида Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди мутахассислари жалб қилиниб улар томонидан билдирилган тегишли таклифлар ўрганиб чиқилиб амалиётга жорий этилмоқда.

Ўзбекистон амалиётида 2018 йилнинг 1 январига қадар бино ва иншоотларнинг инвентар нархида белгилаш тизими амалиётда эди. Бу тизимнинг ўзига хослиги шундан иборатки, бунда мулкларнинг ҳақиқий реал бозор нархи инобатга олинмайди. Бу эса ўз навбатида бу солиқни ундиришдаги харажатларни ошишига, давлат бюджетига ушбу солиқ тури бўйича тушумлар миқдорини камайишига олиб келади.

Қуйида келтирилган жадвалда Ўзбекистон Республикасида мол-мулк солиғини ундиришда қўлланилган қийматлар акс эттирилган:

2- жадвал

Кўчмас мулкка nisбатан солиқ ҳисоблашда шартли белгиланган қийматлар (млн.сўм.)

№	Йиллар	Вилоят марказлари ва Тошкент шаҳри учун	бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда	Изоҳ
1	2016	20,328	8,833	Инвентар баҳоси мавжуд бўлмаганда шартли қиймат
2	2017	20,328	8,833	Инвентар баҳоси мавжуд бўлмаганда шартли қиймат
3	2018	210,0	90,0	Кадастр қиймати мавжуд бўлмаганда шартли қиймат
4	2019	210,0	90,0	Кадастр қиймати мавжуд бўлмаганда шартли қиймат
5	2020	210,0	84,0	Кадастр қиймати мавжуд бўлмаганда шартли қиймат
6	2021	210,0	84,0	Кадастр қиймати мавжуд бўлмаганда шартли қиймат
7	2022	210,0	84,0	Кадастр қиймати мавжуд бўлмаганда шартли қиймат

8	2023	210,0	84,0	Кадастр қиймати мавжуд бўлмаганда шартли қиймат
9	2024	210,0	84,0	Кадастр қиймати мавжуд бўлмаганда шартли қиймат

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2018 йилга қадар кўчмас мулкка нисбатан солиқ ҳисоблашда шартли белгиланган қийматлар 20,328 млн.сўмни ва 8,833 ташкил қилганлиги, бу қийматлар мулкнинг ҳақиқий қийматини ўзида акс эттирмаган. Бу қийматлар натижасида ҳисобланган солиқ суммаси ҳам иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаган деб ҳисоблаймиз.

Солиқ ислохотлари олиб борилиши ва кўчмас мулклардан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб солиқ солиш мақсадида кўчмас мулк объектлари қийматини кадастр баҳоларида белгилаш тизими жорий қилиниши натижасида мулкнинг бозор нархига яқин кадастр қиймати шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига тегишли қўшимчалар киритилиб, 2020 йилда мол-мулкнинг шартли қиймати учун база **қирқ икки миллион сўм қилиб белгиланди**.

Мол-мулкнинг шартли қиймати Тошкент ва Нукус шаҳарларида, шунингдек вилоят марказларида шартли қийматнинг беш баравари, бошқа шаҳарларда ва қишлоқ жойларда эса – шартли қийматнинг икки баравари миқдорида кам бўлмаслиги белгилаб қўйилди.

№	Худудла номи	Айланмадан солиқ	Жисмон ий слардан надиган ромад олиғи	Якка тибдаги торқорлар онидан надиган ромад олиғи	Акци ниғи, ми	Юриди к слардан надиган и-мулк олиғи	Жисмон ий слардан надиган и-мулк олиғи	Юридик слардан надиган солиғи	Жисмон ий слардан надиган солиғи	Курили ш иаллари ича ер ридан ланганли к и солиқ	Сув ларидан ланганли к и солиқ	Ижар алари
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1	Бекобод мани	50	38	100	50	100	100	100	100	100	100	100
2	Бўка мани	30	38	100	30	100	100	80	100	100	100	100
3	Бўстонл тумани	50	10	100	50	5	100	5	100	100	60	100
4	Зангиота мани	30	5	100	30	5	100	10	100	100	100	100
5	Юқорич к тумани	50	15	100	50	20	100	10	100	100	100	100
6	Қибрай мани	30	5	100	30	10	100	5	100	100	50	100
7	Оққўрғо тумани	30	38	100	30	100	100	80	100	100	100	100
8	Оҳангар тумани	30	15	100	30	5	100	5	100	100	100	100
9	Паркент мани	50	38	100	50	80	100	80	100	100	100	100

1	Пискент мани	30	38	100	30	10	100	10	100	100	100	100
1	Тошкент мани	50	5	100	50	15	100	10	100	100	100	100
1	Ўртачир тумани	50	5	100	50	10	100	10	100	100	100	100
1	Чиноз мани	35	20	100	35	80	100	80	100	100	100	100
1	Қуйичир тумани	50	15	100	50	70	100	70	100	100	100	100
1	Янгийўл мани	50	10	100	50	20	100	10	100	100	100	100
1	Ангрен шаҳри	30	5	100	30	20	100	30	100	100	100	100
1	Бекобод шаҳри	30	5	100	30	10	100	20	100	100	75	100
1	Олмали шаҳри	30	5	100	30	10	100	20	100	100	20	100
1	Охангар шаҳри	50	10	100	50	50	100	50	100	100	100	100
2	Чирчик шаҳри	30	10	100	30	5	100	5	100	100	100	100
2	Янгийўл шаҳри	50	38	100	50	80	100	80	100	100	100	100
2	Нурафш шаҳри	40	10	100	40	50	100	50	100	100	100	100
	ЖАМИ	100	38	100	100	100	100	100	100	100	100	100

3-жадвал. Тошкент вилояти ҳудудлар кесимида солиқ турлари бўйича маҳаллий бюджетга йўналтириладиган солиқлар улуши бўйича маълумот. (Солиқ хизмати органлари маълумотлари асосида шакллантирилди)

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки маҳаллий бюджетга тўлиқлигича йўналтириладиган солиқ турларига Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи, жисмоний ва юридик шахслардан ундириладиган мулк ва ер солиқлари, шунингдек ижара тўловлари бўйича тушумлардан ташкил топаганлигини инобатга олган ҳолда.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мамлакатлар ичида Германия Федератив Республикаси солиққа тортиш тизими ўрганилиб мулкни қайта баҳолаш тизимини жорий этилиб амалиётда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳозирги кунда жисмоний шахслар эгалигидаги мол-мулк солиқларини ҳисобга олишда, белгиланган тартибда солиқлар ҳисобланишида турли хил қарама қаршилиқлар мавжуд, жумладан ховлилар учун мулк солиғи ҳисобланаётганда умумий қурилиш ости майдонидан келиб чиқиб солиқ ҳисоланади бу эса жисмоний шахслар учун табақалаштирилган солиқ ставкасини адолатли қўллашга тўсқинлик қилади. Масалан ховли жойда қурилган 2 қаватли шахсий уй жой қурилиш ости майдонини 260 метр кв , ҳозирги солиқ маъмурчилиги бўйича солиқ ҳисобланаётганда табақалаштирилган ставка 260 метр кв.дан келиб чиқиб ҳисобланади, ваҳоланки ҳақиқатда умумий фойдаланиш майдони ($260 \times 2 = 520$) 520 метр кв.ни ташкил этади.

Фарғона вилоятидаги Марғилон ва Қўқон шаҳарларининг иқтисодий шароитлари вилоят маркази ҳисобланган Фарғона шаҳри билан деярли бир хил. Бироқ, Марғилон ва Қўқон шаҳарларида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан савдо қилувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ойига 363 минг сўм солиқ тўласа, Фарғона шаҳридаги худди шундай тадбиркор ойига 726 минг сўм солиқ тўламоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагиларни таклиф қиламиз:

1. Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб мулкни баҳолаш тизими тубдан қайта ислоҳ қилиш.

2. Жисмоний шахслардан ундириладиган мулк солиғи бўйича ховли жойлардан умумий қурилиш ости майдонидан эмас балки умумий фойдаланиш майдонидан келиб чиқиб солиқ ундириш ва ушбу тизимни кадастр агентлиги маълумотлар базаси билан интеграция қилиш.

Маҳаллий бюджетга тушумлар улушини кенгайтириш мақсадида:

3. Юридик ва жисмоний шахсларнинг турар ва нотурар кўчмас мулк объектларига солинадиган мол-мулк солиғи ҳамда ер солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш

4. Солиқ кодексининг 383-моддасида ўрнатилган қатъий солиқ ставкаларининг энг кам ва энг юқори ставкалари (диапазони) доирасида туман ва шаҳарларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқиб якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий солиқ ставкалари миқдорини белгилаш ваколати бериш.

5) солиқ солиш мақсадида қўлланиладиган кўчмас мулк ижара қийматининг 1 кв метр учун ўрнатилган минимал миқдорларига нисбатан 2 гача оширувчи коэффициент, хусусан, ушбу коэффициентни ер солиғи каби Тошкент шаҳрида зоналар кесимида қўллаш ваколатини бериш таклиф этилмоқда.

Бунинг натижасида солиқни ҳисоблаб чиқариш механизми соддалаша-ди, адолатлилиқ, шаффофлик принципи таъминланади. Солиқни ҳисобини юритиш, тўлаш жараёни соддалашиб

унга кетадиган харажатлари камаяди.

Reference

1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги «Бюджетнома 2025-2027».
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60-сонли Фармони.
3. Қосимова Г.А., Шаакрамов К. Маҳаллий бюджетлар. Ўқув қўлланма. – Т.: “Iqtisod-moliya”.2012. 260 б.
4. Финансы. Учебник. Под ред. проф. М.В.Романовского, проф. О.В.Врублевской, проф. Б.М.Сабанти. – М.: Перспектива, Юрайт, 2001. с. 192.
5. [5]. Налоговое право: Учебное пособие/Под ред С.Г. Пепеляева. – М.: «ИД ФБК-ПРЕСС» 2000 - 608 с.
6. Михина Е.В. Налог на недвижимость и перспективы его развития в регионе. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диис. автореферати.-М.:2005й.б.-б.
7. Ниязметов И.М Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. Иқт. фан. док. ... диис. автореф. – Тошкент , 2018. – 72 б.
8. Ниязметов И.М. Солиқ юкининг тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига ва бюджет даромадларига таъсири таҳлили. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диис..-Т.:2008й.-б.99